# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRI

**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари** *(рўйхат бўйича)*, **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 2023 йил 14 мартдаги СҚ-702–IV-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишда Марказий сайлов комиссиясига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли чоралар кўрилсин.

Д. Каландаровга,
М. Якубовга, Ш. Ражаббаевга

УМУМИЙ БЎЛИМ № 2

А. Арипов

2023 yil "18" mart
№12/2-44
18.03.2023 й.

3/216 б.
27 март 23

QARAQALPAQSTAN R... DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
KIRIS №08/305
"30" 03 2023 j.

---

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

**Н.Ерлепесовга**
**А.Даниярова**
**М.Абдижалиевга**
**Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича)**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**
**Нусха: ҚР Марказий сайлов комиссиясига**

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги ЎзР Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ЎзР референдумини ўтказишда Марказий сайлов комиссиясига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

Бажарувчи: М.Абдижалиев

**Ф.ЭРМАНОВ**
**27.03.2023й.**

№ 3/216

## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING
## QAR OR I

### «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг матни 2022 йил 25 июндан 1 августга қадар ўтказилган умумхалқ муҳокамасида ва ундан кейинги жараёнларда келиб тушган таклифлар, фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда маромига етказилганлиги;

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг номи “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида” деб ўзгартирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 2023 йил 10 мартдаги 3017–IV-сонли Қарори (бундан буён матнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарори деб юритилади) қабул қилинганлиги ва унда ушбу Қарорнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан Конституциявий судга мурожаат этиш белгиланганлиги;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига келиб тушганлиги;

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. 2-44 20 23 -yil 17 03



Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2023 йил 13 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарорини кўриб чиқиб, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида КСҚ-4-сонли қарор қабул қилганлиги ва ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига келиб тушганлиги;

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш масаласи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарори бўйича Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси масъул этиб белгиланганлиги ҳамда унинг ушбу масалага оид хулосаси тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг матни иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми тайинлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси референдуми 2023 йил 30 апрель – якшанба куни ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш бюллетенига қуйидаги матндаги масала киритилсин:

“Сиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини қабул қиласизми?”.

6. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ мазкур Қарор ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси 2023 йил 15 март куни матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

7. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси референдумида қабул қилинган қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан референдум якунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чораларни кўрсин.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLİKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MİNİSTRLİGİ
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
"31" 03 2023 y.
№ 01/2177
NO'KIS q. NUKUS sh.

Республика даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига

Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 27 мартдаги 3/216-сонли хатида хатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказишда сайлов комиссиясига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш учун юборилмоқда.

***Илова қилинади***: *ҚР ВКнинг 2023 йил 27 мартдаги 3/216-сон хати “___”-варақда.*

**Вазир** **М.И.Курбанов**